# «Еттилик» билан топшириқлар ижроси ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди

Бугун Термиз тумани ҳокими Шуҳрат Назаров раҳбарлигида «Зоом» платформаси орқали маҳаллалар «еттилиги» иштирокида топшириқлар ижроси ва келгусидаги вазифалар юзасидан муҳокама йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи Эркин Нарманов ҳам иштирок этди.

Маҳаллаларда аҳоли билан ишлаш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириш, ободонлаштириш ишларининг бориши, мезон асосидаги тадбирлар ижроси таҳлил қилинди.

Мутасаддиллар ва маҳалла «еттилиги»га йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан келгусидаги вазифалар белгилаб берилди.